Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

## ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 09.12.2022 г. № 8711**

**между NISOXON МЧЖ и Тошкент Вилоят Ихтисослаштирилган Наркодиспансери на общую сумму 148145500,00**

Глава 054

Казначейский лицевой счёт 100021860274077073201054001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4252300 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | 148145 500,00 | | | 148145 500,00 |
| **Всего за год** | **148145 500,00** | | | **148145 500,00** |

Всего 148145500,00 сум

Сто сорок восемь миллионов сто сорок пять тысяч пятьсот сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 44443650,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в декабре мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ______________ (подпись) Газиев Ахил Адилович Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ______________ (подпись) Назарова Д.А. Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ______________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ______________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

Сканировано с CamScanner

**Аутсорсинг шартлари асосида овкатланишини ташкил этиш учун**
# ШАРТНОМА № 8711

Ангрен шахри 9 декабрь 2022 йил

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи ТВИНД номидан низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор Газиев А.А. бир томондан

ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи Нисохон МЧЖ номидан низом (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори Имомалиев Ж.А. иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади. Беморларни иссик овкат билан таъминлаш 3679 порцияси 20 500 сўмдан ва 3162 порцияси 23 000 сўмдан жами 148 145 500 сумни ташкил килади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига кадар хар куни шифохонани озик-овкат паёкларининг белгиланган меъёрлари хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган холда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофик беш махал иссик овкат(нонушта, тушлик, полдник, кечки овкат) билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
2022 йил 9 декабрдан 2022 йил 31 декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактурани имзолаганидан хамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисобракамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

## II. Томонларнинг хукуклари ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:
2.1.1. Таомни ва тайёр махсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-хукукий хужжатларининг таом тайёрлаш ва овкатланишни ташкил этишга тааллукли кисмларидаги талабларга тўлик мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.
2.1.2. Овкатланувчиларнинг овкатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдикланган озик-овкат махсулотларидан фойдаланиш.
2.1.3. Ўзининг омборида сакланаётган озик-овкат захираларини янгилаб туриш.
2.1.4. Аутсорсер томонидан сифатли ва янги махсулотлар харид килиш.
2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиш.
2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал килмасдан, овкат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.
2.1.7. Таомни тайёрлаш жараёнига факат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга рухсат этиш.
2.1.8. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя килиш мажбуриятини юклаш.
2.1.9. Хизматларни бевосита кўрсатиш.
2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган холда шахсий маблағлари хисобидан:
соликлар тўлаш;
белгиланган тартибда у билан мехнат шартномаси тузган ходимлар мехнатига хак тўлаш;
озиқ-овкат махсулотларини харид килиш;
озик-овкат махсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;
совутувчи компрессорлар ва бошка жихозларни соз холатда саклаш, таъмирлаш, кайта тўлдириш;
ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошкаларни зарур холатда саклаш ва жорий таъмирлаш.
2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномаси ва алохида ижара шартномасини расмийлаштирган холда Буюртмачидан ишлаб чикариш хоналари, жихозлар ва ошхона мебелини кабул килиб олиш.
2.1.12. Мазкур Шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачи овкатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.
2.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:
2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хакини тўлаш.

Сканировано с CamScanner

2.2.2. Аутсорсерга шахсий таркибнинг овкатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг ишлаб чикариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вактинча фойдаланишга бериш.
2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган холда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чикариш хоналари, жиҳозлари ва мебелини топшириш.
2.2.4. Мазкур Шартномани бекор килиш ҳакида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.
2.3. Буюртмачи куйидаги ҳукукларга эга:
2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вактда текшириш.
2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига кадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг киймати белгиланган тартибда тўлаб, исталган вактда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

## III. Шартноманинг нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур Шартноманинг нархи 1-бандга мувофик нархи: 148 145 50

**(бир юз кирк саккиз миллион бир юз кирк беш минг беш юз)**

*(сумма сон ва сўз билан)*

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз микдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.
3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича 70 фоиз микдорида хакикатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чикиб ўн кунда камида бир марта амалга оширилади.
3.3.1. Овкатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид килган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдикланган озик-овкат махсулотларининг амалдаги нархи овкатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоизгача устама хаки микдорига кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизгача устама хакига кўпайтирилади).
3.3.2. Овкатланувчиларнинг амалдаги сони хакидаги маълумотлар ва овкатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озик-овкат маҳсулотларининг таксимотига) мувофик Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган холда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва хисоб-фактурани расмийлаштиради хамда улар Аутсорсер раҳбари ва шифохона бош шифокори томонидан имзоланади.
3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган микдорда тўланади.
3.3.4. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини хисоблаш учун озик-овкат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошка асосли холатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта кайта кўриб чикилиши мумкин.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овкатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган холатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод килмайди.
4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.
4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиш мумкин бўлмайдиган холатларда Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда кўриб чикиш учун судга берилади.

## VI. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холат енгиб бўлмас

Сканировано с CamScanner

куч, яъни табиий офаатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда холатлар окибати хисобланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга оркага сурилади

### VII. Якунловчи коидалар

7.1. Ушбу Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хакикий хисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII. Мазкур Шартноманинг амал килиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

**"Буюртмачи"**

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган
Наркология Диспансери
Ангрен ш. Обод турмуш кучаси 20 уй
Х/Р 23 402 000 300 100 001 010
Шхв;100021860274077073201054001
ИНН:203 304 602 оконх:91 513
Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО: 00 014

Рахбар: Газиев А.А.

м.ў.

**"Аутсорсер"**

"НИСОХОН" МЧЖ

Тошкент вилояти Ангрен шахри
Барака кучаси 12 уй
х/р 20 208 000 605 361 046 001
АТИБ Ипотека банк Ангрен филиали
ИНН 30[illegible]034 ОКЭД 96090
МФО: 00 4[illegible]

Рахбар: Имомалиев Ж.А.

м.ў.

ХАКИМОВА Ф. С.
Ҳуқуқшунос

Сканировано с CamScanner

4000172

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NISOXON" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NISOXON" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.03.2021 962476 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308279034

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, TOSHKENT YO'LI KO'CHASI 178 UY 29 XONADON,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Сканировано с CamScanner

**Тошкент вилояти ихтисослаштирилган наркология диспансери беморларини 1 кунда 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш учун кенгайтирилган йиғилиш**

**БАЁННОМАСИ**

**09.12.2022 йил**

**Қатнашди:**

**Комиссия раиси:**

ТВИНД бош шифокори: А.А.Газиев

**Комиссия аъзолари:** Элибаева Ш.А.

Газиева М.Т.

Рузматова Ф.А.

Хидирова Л.Б.

**Кун тартибида қуйидаги масалалар:**

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган наркология диспансерининг бюджет маблағлари ҳисобидан 1 кунда 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш учун қўйилган 22110012200986 – сонли 06.12.2022 йилда якунланган лот натижалари тўғрисида:

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган наркология диспансерининг бюджет маблағлари ҳисобидан 1 кунда 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш учун қўйилган 22110012200986– сонли 06.12.2022 йилдаги лот натижалари тўғрисида бош шифокор А.Газиев сўзга чиқиб танлов якунидан сўнг икки иш кунлик муддат ичида танлов иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътирозлар кузатилмаганини айтиб ўтди.

Йиғилиш катнашчилари юқоридаги холатни эътиборга олган холда қарор қилади:

**ҚАРОР:**

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган наркология диспансерининг бюджет маблағлари ҳисобидан 1 кунда 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш учун қўйилган 22110012200986 – сонли 06.12.2022 йилдаги лот натижалари бўйича икки иш кунлик муддат ичида танлов иштирокчилари томонидан ҳеч қандай эътирозлар бўлмаганлиги сабабли, танлов ғолиби **NISOXON** масъуляти чекланган жамият билан шартнома тузиши ҳамда шартнома шартларига асосан маблағлар ўз вақтида ўтказиб берилиши барча хайъат аъзолари томонидан маъқулланди.

**Комиссия раиси:**

ТВИНД бош шифокори: А.А.Газиев

**Комиссия аъзолари:** Элибаева Ш.А.

Газиева М.Т.

Рузматова Ф.А.

Хидирова Л.Б.

Сканировано с CamScanner